

## ОЙБЕКНИНГ “НАВОЙ” РОМАНИ ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДА ХОС СЎЗ (РЕАЛИЯ)ЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

Хайрулла Худоёрович ҲАМИДОВ

PhD, доцент

Таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

## ПЕРЕДАЧА РЕАЛИЙ В РОМАНЕ АЙБЕКА «НАВОЙ» В ПЕРЕВОДЕ НА ТУРЕЦКИЙ ЯЗЫК

Хайрулла Худоёрович ҲАМИДОВ

PhD, доцент

Кафедра переводоведения и международной журналистики

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан.

## TRANSLATION OF REALIAS INTO TURKISH LANGUAGE IN THE NOVEL OF AIBEK “NAVOI”

Khairulla Khudoyorovich KHAMIDOV

PhD, Associate Professor

Department of Translation Studies and International Journalism

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan [hamidovx@gmail.com](mailto:hamidovx@gmail.com)

UDC (УЎК, УДК): 821.512.1330Йбек7

Навой03= 512.161: 81'373

### For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):

Ҳамидов Х.Х. Ойбекнинг “Навой” романи  
туркча таржимасида хос сўз (реалия)ларнинг  
берилиши // Ўзбекистонда хорижий тиллар.

— 2021. — № 3 (38). — Б. 177-184.

<https://doi.org/10.36078/1626175990>

**Received:** May 17, 2021

**Accepted:** June 17, 2021

**Published:** June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative  
Commons Attribution International License (CC  
BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Ўзбек адабиёти намуналарининг хорижий тилларга таржима қилиш билан бир қаторда бугунги кунда таржималарни танқидий ўрганиш бўйича ҳам жиддий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бир тил оиласига мансуб, урф-одати, миллий анъаналари бир-бирига яқин ўзбек ва турк тиллари орасида амалга оширилган таржималар ҳақида гап борганда, вазият бирмунча фарқли эканлиги кўзга ташланади. Чунки бу икки тил орасида таржима қилишнинг афзалликлари билан бир қаторда ўзига яраша мураккабликлари ҳам бор, кўпчилик лексик-фразеологик бирликлар келиб чиқиш нуқтаи назаридан фарқлилик касб этади ва буни эътироф этиш керак. Ушбу мақолада кўйилган илмий муаммо атоқли ўзбек адаби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Навой” романи турк тилига таржимаси мисолида кўриб чиқилди. Тадқиқот мавзусини танлашда сўнгги йилларда ўзбекчадан туркчага бадиий таржиманинг долзарб муаммоларига бағишлаб ёзилган илмий ишларнинг камлиги инобатга олинди. Ушбу мақоладан чиқарилган хулосалар таниқли таржимашунос олимларнинг бу борадаги назарий фикрлари билан тасдиқлашга ҳаракат қилинди.

**Калит сўзлар:** наср; тарихий роман; ўзаро яқин тиллар; миллий адабиёт; лексик-фразеологик бирлик; хос сўз (реалия); аслият; таржимон маҳорати.

**Аннотация.** Сегодня вместе с переводом образцов узбекской литературы на иностранные языки проводится и тщательное изучение переводных произведений с критической точки зрения. Когда речь идет о переводах, сделанных между узбекским и турецким языками, принадлежащими одной языковой семье, на которых говорят народы, у которых общая культура, общие обычаи и традиции, ситуация часто меняется. Следует также признать, что перевод между этими двумя языками имеет не только свои преимущества, но и своего рода сложности, большинство лексико-фразеологических единиц имеют различия по своему происхождению. Научная проблема, поставленная в данной статье будет рассмотрена на примере перевода романа «Навои» выдающегося узбекского писателя Мусо Тошмухаммада Айбека. При выборе темы данного исследования учтено то, что в настоящее время недостаточно научных работ, посвященных актуальным вопросам художественного перевода с узбекского на турецкий язык. Выводы, сделанные в ходе данного исследования, подтверждены теоретическими взглядами выдающихся ученых на эту тему.

**Ключевые слова:** проза; исторический роман; родственные языки; национальная литература; лексико-фразеологические единицы; реалии; оригинал; мастерство переводчика.

**Abstract.** Today, along with the translation of samples of Uzbek literature into foreign languages, a thorough study of the translated works is carried out from a critical point of view. When it comes to translations made between Uzbek and Turkish languages that belong to the same language family, spoken by peoples with a common culture, shared customs and traditions, the situation often changes. It should also be noted that the translation between these two languages has its advantages and difficulties. Most of the lexical-phraseological units have differences in their origin. The scientific problem will be considered in the translation of the novel "Navoi" by the outstanding Uzbek writer Muso Tashmuhammad Aybek. When choosing a topic for this study, it was taken into account that there are not enough scientific works devoted to topical issues of literary translation from Uzbek into Turkish. The conclusions made in the course of this study are confirmed by the theoretical views of prominent scientists on this topic.

**Keywords:** prose; historical novel; related languages; national literature; lexical-phraseological units; realias; original; translation skills.

**Кириш.** Мустақиллик йиллари дунёда ўзбек характери, ўзбек халқининг табиати, миллий ўзига хослигига бўлган қизиқиш янада ортиди. Ўзбек адабиётини жаҳон, хусусан, шарқ тилларига таржима қилиш ва ўзбек маданиятини дунёга кенг ёйиш муҳим йўналишлардан бирига айланди. Бу соҳани дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилиш орқали адабиёт ихлосмандларига ўзбек романларида акс этган халқнинг миллий ўзига хослиги, ҳаёт тарзи, урф-одатларини намойиш этиш долзарб вазифага айланди.

Шу ўринда сўнгги йилларда ўзбек тилидан ўнлаб йирик асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, хорижлик китобхонларга тақдим этилди. Шунингдек, Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбекнинг “Навоий” романи туркча таржимаси ҳам шулар

жумласидан бўлиб, бу ҳақида мақоланинг асосий қисмида батафсил маълумотлар берилди.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Мақолада XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий ўзига хослигининг таржимада қандай акс этганлиги масаласини таҳлил асосида ёритиб бериш, таржимоннинг аслиятдаги хос сўз (реалия)ларни қайта яратишдаги маҳорати ва таржима жараёнида юзага келган муаммоларни ўрганиш, бу борада фанда мавжуд назарий фикр ва хулосаларни келтириб ўтиш тадқиқотнинг асосий мақсадидир. Шунингдек, мақола олдида бир тил оиласига мансуб ўзбек ва турк тиллари орасида бадий таржиманинг осон томонлари ва тилларнинг ўзаро яқинлигидан келиб чиқадиган чигалликларнинг сабабини ёритиш вазифаси ҳам қўйилган.

**Методлар.** Тадқиқотда тавсифий, таҳлилий ва қиёсий методлардан фойдаланилди. “Навоий” романидан олинган парчаларнинг туркча таржималари тадқиқотнинг асосий манбаси бўлиб, асар ва таржимада миллийликни акс эттирувчи жиҳатлари эса предмет сифатида олинди. Тадқиқот жараёнида аслият ва таржима матн таҳлил қилиниб, қиёсланар экан, турк тилининг изоҳли луғати ҳамда икки тилли луғатлардан фойдаланилди (1). Шунингдек, асарнинг асл нусхасидан келтирилган мисоллар ўзбекча таржимаси билан бирга берилди ва керакли ўринларда муаллиф таклиф этган таржима вариантлари ҳам берилди.

**Эришилган натижалар.** Бир тил оиласига мансуб ўзбек ва турк тиллари орасида таржимани амалга ошириш қайсидир жиҳатдан осондек кўринсада, бу жараёнда бир қатор мураккабликларга ҳам дуч келинмоқда. Фанда реалияларнинг таржимада берилиши масаласига келинганда, унинг ҳар доим илмий янгилик эканлиги эътибор марказига қўйилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзилган “Навоий” романи (2) 1945 йилда рус тилига, ундан кейин эса собиқ иттифоқ мамлакатлари тилларига, сўнги йилларда эса инглиз ва турк тилига ҳам таржима қилинди. 1995 йилда илк бор турк таржимони Д.Аҳсен Батур томонидан туркчага ўгирилган асар 2019 йилда истеъдодли таржимон, Др. Шуайип Қорақош томонидан қайтадан турк тилига таржима қилинди (3).

XV асрнинг иккинчи ярмида ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий ўзига хослиги тўла намоён бўлган бадий асар салкам 80 йилдан буён нафақат ўзбек адабиёти аҳли, балки жаҳон адабиёти ихлосмандларини ҳам ўзига жалб этиб келади. Бунинг боисини роман муқаддимасидаги муаллиф эпиграфидан ҳам англаш мумкин: *“Навоий шеърятини ва Навоий образи ҳамини кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образи яратишига зўр майл, орзу, истагим бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навоий гигант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, абадий шеърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали газаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди”* (2, 5).

Таржима сирасида турк таржимони муаллиф ортидан бориб, қаҳрамонларининг хулқ-атвори, турмуш тарзи, юриш-туриши, сўзлашиш манераларини ўрганди, уларни давр ва жамият шарт-шароитларига мувофиқ мушоҳада эта олган.

Бадий асарнинг миллийлигини белгилайдиган асосий воситалардан бири бўлган реалияларнинг таржимада тўғри берилиши оригинал асарнинг миллий тўқимасини ўзга тилда бешикаст қайта яратиш

муаммосини маълум маънода ҳал этилишини таъминлайди. Бу ерда, даставвал, реалия ва термин тушунчаси орасидаги фарқни кўрсатиш керак бўлади. Терминлар бошқа лексик бирликлардан фарқли ўлароқ муайян бир тушунча, предмет, ҳодисалар номини ифодалаб, бир маъноли, синонимсиз кўпинча ўзлаштирма сўзлардан ташкил топган бўлади. Айни пайтда бундай хусусиятлар реалияларда ҳам мавжуд. Бироқ улар ўртасида маълум маънода фарқлар ҳам бор. Масалан, реалия эквивалентсиз лексика ҳисоблансада, термин каби таржима тилида ҳар қандай контекст ичида бир хилда турмайди.

Бадиий асарнинг миллийлиги кўп ҳолларда миллий хос сўз (реалия)ларда ўз аксини топади. Бундай сўзлар “асар тилининг ажралмас қисми бўлиб, улар ёрдамида муаллиф қахрамон образини яратади, халқнинг миллий хусусиятини очиб беради. Улар бадиий асарнинг миллий колоритини ифода этар экан, турли услубий вазифаларни бажаради, ҳодиса ва предметларнинг хусусиятини ҳаққоний, тўғри тасвирлашга ёрдам беради” (4, 158).

Ўзбек романларида халқнинг миллий характери, миллий колорит бош режада туради. Романчилигимизнинг илк ва бетакрор намуналари саналган “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарларидан кейинги ўринда турувчи “Навоий” романи мукамал услуби ва чуқур ижтимоийлиги билан салкам саксон йилдан бери миллионлаб китобхон ва ўнлаб тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келади. Чунки XX асрда яратилган ўзбек адабиёти намуналарининг ҳеч бирида миллий хос сўзлар бунчалик йирик ҳажм ва қамровда қўлланилмаган.

Ҳар бир халқнинг ўз тили, ирқи, либоси, урф-одатлари борлиги миллийликнинг ташки — зохирий кўриниши ҳисобланса, миллий характер теран тасвирланган асарда аввало одамларнинг ўзига хос руҳий олами бунинг ички, яъни ботиний кўриниши ҳисобланади.

Таржимашунос олимлар С. Влахов ва С. Флорин “Реалиялар муайян бир халқнинг ҳаёти (турмуши, маданияти, ижтимоий ва тарихий тараққиёти)га тааллуқли бўлган ва бошқа тилларда аниқ муқобилига эга бўлмаган ўзига хос ёндашувни талаб қиладиган сўзлар ва сўз бирикмаларидир” — дея таъкидлайди (5, 7). Дарҳақиқат, бир халқ турмуш тарзи, дунёқараши, нарса ва предметларни аташдаги ўзига хослиги бошқа халқларникидан фарқ қиладди. Бундай хусусиятлар шу халқнинг бадиий тафаккури, маиший турмуш тарзи, урф-одатлари ва ҳатто, расм-русумлари, кийиниши, таомланиши ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунда бир халққа мансуб бўлган турли тушунчаларни ифодаловчи сўзлар вужудга келади ва улар ифодалаётган тушунчалар бошқа халқ тилида учрамайди. Таржимашуносликда бундай сўзлар “реалиялар” дейилади. Лотин тилидан ўзлашган ушбу сўз “ашёвий”, “ҳақиқий”, яъни буюмга, нарсага оид деган маъноларни англатади. Ушбу термин билан бир қаторда ўзбек фанида “миллий хос сўзлар”, “хос сўзлар” термини ҳам қўлланилмоқда (6, 70). Миллий ўзига хослик асар персонажларининг хулқ-атвори, ўй-хаёллари, гап-сўзлари, мақол, иборалар, қолаверса, муаллифнинг воқеа-ҳодисаларга муносабатида ўз аксини топади. Миллий ўзига хосликни таржимада тўлақонли акс эттириш асарнинг бадиий-эстетик, стилистик жиҳатларини бошқа тилда тўлақонли қайта яратиш вазифасини юклайди. Бу эса таржимондан асарнинг тили, шу халққа хос миллий хусусиятларни чуқур билишни талаб этади.

Ҳар қандай асарнинг миллий ўзгачалигини намоён этувчи унсурлардан бири, ҳатто асосийси хос сўз (реалия)лар бўлиб, уларнинг бадиий таржимада берилиши билан боғлиқ муаммолар ҳали фанда ўзининг

тўла ечимини топмаган. Хусусан, ўзбек адабиёти намуналарининг хорижий тиллар, жумладан, турк тилига таржима қилиш жараёнида бундай сўзларни бериш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Таржимашунос олим Қ. Мусаев хос сўзларга “Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган лисоний воситалар хос сўзлар дейилади. Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ҳодисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади”, дея таъриф беради (7, 89). Дарҳақиқат, хос сўз (реалия)лар таржимондан алоҳида ёндашувни талаб этади. Уларни асардаги мингларча сўз орасидан алоҳида ажратиш олиш ва оддий йўл билан бошқа тилга ўгириш мумкин эмас.

Машҳур немис олими Гётенинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринли деб топдик: “Таржима жараёнида таржима қилиб бўлмайдиган унсуларга қадар етиб бориш керак бўлади, фақат шундагина бошқа халқ, бошқа тилни яқиндан билиб олиш мумкин” (5, 34).

**“Навойи” романи қахрамонларининг исмлари, унвон ва тахаллуслари:** *султон, бек, навкар, ситоҳий, бекзода, вазирзода, муллабачча, боён, аён, дарвеш, хоқон ибни хоқон Султон Ҳусайн Бойқаро, Ҳайдар паҳлавон*);

**Жўгрофий хос сўзлар, макон-жой номлари:** *Ҳирот, Шаҳрисабз, Моварауннаҳр, Дашти Қипчоқ, Дарвозаи Мулк, Дарвозаи Ферузобод, ҳужра*;

**Этнографик ва маиший реалиялар, миллий либос, тақинчоқларнинг номлари, уй-жой, жиҳоз, идиш-товоқ, таом ва ичимлик номлари:** *исқарлот чакмон, олача тўн, зар ёқа тўн, хитойи шойи тўн, гулдор маҳси, дағал маллабоз тўн, пўстин, бўрк, чопон, қумгон, пиёла, кўрпача* ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар асарнинг миллий ўзгачалигини намоён этади. Чунки реалиялар ҳар доим табиий сўз яратувчилиги йўли билан юзага келган, асосан, маиший турмуш билан чамбарчас боғлиқ халқона сўзлардир. Бундай сўзлар туркча таржимада қоидага мувофиқ таржимасиз берилган: *Гавҳаршоод – Gevherşat, Маиҳадий – Meşhedi, Султонмурод – Sultanmurat, Тўғонбек – Toğanbek, тархонлар – Tarhanlar* каби. Бундай сўз ва тушунчалар ўзбек тилига хос реалиялар бўлишдан ташқари, кўпчилигининг турк тилидаги муқобиллари келиб чиқиш нуқтаи назаридан иккала тилда бир хил шаклга эга.

Қуйидаги жумлани ташкил этувчи сўзларнинг салмоқли қисмини реалиялар ташкил этган: “*Базмчилар май ва рақс гирдобиди расо шўнгиған пайтда Мажидиддин Амир Мўғулни, Тўғонбекни Ҳўжа Абдулло Ҳатиб, мавлоно Шаҳобиддин ва бошқа ҳамфикрларини имлаб, Боғи Жаҳон ородаги бўш хоналардан бирига олиб келди*” (2, 226). Таржимаси: “*Meclis ehlinin şarap ve raksın girdabına tamamen gömüldükleri sırada Mecdiddin; Emir Moğul, Toğanbek, Hoca Abdullah Hatib, Mevlânâ Şehâbiddin ve diğer fikir birliği ettiği adamlara işaret ederek Bağ-ı Cihan-ârâ’daki boş odalardan birine getirdi*” (3, 222). Асарда муаллиф қўллаган сўзлар заҳирасида хос сўзлар салмоқли миқдорни ташкил этади ва бу тарихий романга хос хусусиятдир. Туркча матнда таржимоннинг бундай сўзларга алоҳида эътибор қаратгани унинг тарихни ва сўзларнинг маншаси бўйича чуқур билимга эга бўлганлигидан далолатдир.

Аниқ тушунча, предмет ёки ҳодисани ифодаловчи термин ва реалиялар муайян тарихий давр билан чегараланган бир маъноли, синонимликдан маҳрум, кўпинча халқаро лексикага оид сўзлар сифатида бир-бирига жуда ўхшаса-да, улар орасида кескин фарқ борлиги

англашилиб туради. Европа таржимашунослигида реалиялар устида йирик тадқиқотлар олиб борган поляк олимлари С. Влахов, С. Флоринлар бу хусусда шундай дейдилар: “Реалиялар ҳар доим муайян бир халқ, яъни ўша тилда сўзловчи кишиларга тегишли бўлади. Бошқа тилларга “меҳмон” сифатида кириб боради. Баъзан бир кунлик, баъзан эса бир йиллик меҳмон... Аммо айрим ҳолларда шунчалик жойлашиб, ўрнашиб кетадики, ўзи кирган тилни ё бойитади, ёки у тилни “ифлослантириб” мустаҳкам ўрнашиб қолиши ҳам мумкин (8, 434).

Яна бир мисол: *Уч катта кўчанинг кесишган жойидаги гузарда зар ёқа тўн кийиб, бедов отларни гижинглатган мағрур беклар, олифта бекзодалар, хитойи шойи тўнли, гулдор маҳсили давлатмандлар, эшак минган жулдур кийимли деҳқонлар, тирикчилик машаққати билан зир югуришган хароб косиб-хунармадлар, қандайдир бир жинояткорни сазойи қилиб кўча айлантирган қаҳрли сипоҳийлар – навкарлар, дағал маллабоз тўнли сокин, хаёлчан, шовқин-суронга бепарво дарвешларни кўриши мумкин эди (2, 16).*

Жумла турк тилига қуйидагича ўгирилган: *Üç büyük sokağın kesiştiği yerdeki çarşıda sırmalı kaftan giyinmiş, bidevi atlarını oynatan mağrur beyler, süslü beyzadeler, Çin işi ipek kaftanlı, çizmeleri çiçek işlemeli devletliler, eşeğe binmiş eski giyimli köylüler, zorlu hayat şartları karşısında yaprak gibi titreşen perişan küçük esnaf, meçhul bir suçluyu cezalandırıp teşhir için sokaklarda dolaştıran öfkeli sipahiler, rengi açık çirkin, görünüşlü cübbeleriyle sakin, düşünceli, bütün olan bitene karşı pervasız dervişleri görmek mümkündü (3,40).*

Миллийлик ўзининг бутун бўй-басти билан намоён бўлган ўзбекча жумлада қаторасига бир неча миллий хос сўз (*гузар, зар ёқа тўн, бедов от, бек, бекзода, хитойи шойи тўн, гулдор маҳси, жулдур, косиб, сипоҳий, навкар, дағал маллабоз тўн, дарвеш*) ўрин олган. Ўзбекча мураккаб жумла туркчага силлик, бежирим ўгирилган. Аслият жумласи мазмуни ҳам таржимада деярли ўз аксини топган. Таржимон хос сўзларга мос эквивалентлар топишга ҳам ҳаракат қилган. Масалан, *бек – bey, бекзода – beyzade, косиб-хунармадлар – küçük esnaf* каби. Шунга қарамай, айрим сўз ва бирикмаларни беришда юзаки ёндашиш, яъни сўз, терминларнинг туб маъносига етиб бормаслик ҳолатлари кузатилади. Мисол учун *гузар* – бир хос сўз бўлсада, таржимада “*çarşı*” деб берилган. Ҳолбуки, “*çarşı*” турк тилида “бозор”, “савдо маркази” маъноларини ифодалайди. Ёки “*хитойи шойи тўн*” бирикмаси “*çin işi ipek kaftan*” деб берилган ҳолда “ўзбек тўни” “турк кафтани”га айланиб қолган бўлса, “*дағал маллабоз тўн*” бирикмаси эса “*rengi açık çirkin, görünüşlü cübbe*” (ранги очик чиркин, кўринишли жубба) деб берилиб, бу бирикма таркибидаги “тўн” туркча матнда “*cübbe*” (мантия) шаклида берилган. Бундай таҳлил яна анча давом эттириш мумкин. Демак, ўзбек адабиёти намуналарини турк тилига ўгириш жараёнида хос сўзларнинг таржимада сақлаб қолиниши туркча жонли нутқда қўлланилмай қўйган кўпгина сўзларнинг қайта тикланишини таъминлаб, замонавий тил луғат бойлигини янада бойитади.

Таъкидлаш жоизки, ўзбекчадан тарихий асарлар таржимасида ўзбек тилидаги хос сўз “*танча*” сўзи “*tence*” деб берилиб, ўзбекча реалия сақлаб қолингани, шунингдек, “*кўрна*” сўзини “*yorgan*” деб ўгирилган ҳолатини оқлаш керак бўлади. Ёки, “меҳмонхона”ни “*misafir odası*” деб, “*варақи*”ни “*börek*” деб берилгани ҳам маъқул. Ҳолбуки, туркчада “*варақи*”, “*samsa*” сўзлари йўқ, туркларда бу тур

пишириқлар умумий қилиб “*börek*” дейилади (ўзбек тили шеваларидаги “барак” сўзи туркча “*börek*” сўзи билан келиб чиқиш жиҳатидан бир хил бўлиши мумкин: “тухум барак”, “қўтир барак”, “ялпиз барак” каби).

Шу билан бирга, таржимашунос Қ. Мусаевнинг “...таржима амалиётида ханузгача йўл қўйиб келинаётган хато ва камчиликларнинг кўпчилиги таржимада миллий хусусиятни тиклаш билан боғлиқ бўлиб, бу масала ханузгача ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қониқарли даражада ҳал қилинган эмас” — деган сўзларини эслаш керак (7, 90). “Ўз-ўзидан маълумки, муайян халқ турмуш тарзини ифода этадиган сўзларгина бундай тушунчаларга эга бўлмаган халқлар тилларига таржимасиз аслиятдаги шаклида ўтказилади, шу тариқа таржимада муаллиф матнининг миллий бўёғи адекват талқин этилади. (Киришга киритилди) Масалан, *тахмон*, *хуржун*, *палов*, *кетмон*, *паранжи*, *суна* каби ўзбеклар турмуш тарзигагина хос ифода воситаларини бундай тушунчаларни англатадиган лисоний бирликларга эга бўлмаган инглиз ва рус халқлари тилларига қилинган ўғирмаларда айнан (таржимасиз) келтириш аслиятнинг миллий хусусиятини сақлаб қолиш билан бирга, таржима тиллари луғат таркиби кенгайиши учун замин яратади” (7, 95).

**Хулоса.** Ўзбек тилидан турк тилига таржима муаммоларини илмий ўрганиш сўнгги йилларда анча жонланди. Ушбу мавзунинг атоқли ўзбек адаби Ойбек романи мисолида ўрганилиши янгилик саналиб, келажакда бир тил оиласига мансуб тиллар орасида таржиманинг чигалликлари сабабини ёритиш, асл нусхага хос хусусиятларнинг таржимада берилиши масалаларини тадқиқ этиш кечиктириб бўлмас вазифалардан саналади. Шу нуқтаи назардан ушбу мўъжаз тадқиқот ўзбек адабининг икки маротаба туркчага ағдарилиб нашр этилган романини жиддий ўрганиш, таржималарни танқидий кўриб чиқиш йўлидаги илк иш ҳисобланади. Умуман, бир халқнинг бадий тафаккури, миллий ўзига хослиги ўз аксини топган бир асарни таржима қилиш ўзига яраша қийинчиликлар туғдириши табиий ва бунда турли даражадаги фразеологик бирликлар, мақол ва ибораларнинг таржимада берилиши асосий муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Ўзаро яқин тиллар орасида воқеликни акс эттиришнинг муҳим воситаси, сўз маъносининг кўчиши, образлиликни таъминловчи унсурлар ҳисобланган фразеологик бирликларнинг таржимада ишончли берилиши таржиманинг сифатини белгиловчи омиллардан бири ҳамда фаннинг мураккаб масаласи бўлиб қолаётганлиги бу борада қилинадиган ишлар хануз талай эканини кўрсатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. — Ankara, 1998. — 1136 s. Büyük Rusça-Türkçe Sözlük, Moskva: Russkiy yazik, Multilingual. — İstanbul, 1995. — 1022 s.; Büyük Türkçe-Rusça Sözlük, Moskva: Russkiy yazik, 1977, Multilingual. — İstanbul, 1994. — 966 s.
2. Oybek, Navoiy, roman / “Asr oshgan asarlar” turkumi // Tahrir hay’ati: Bobir Alimov va b. — T.: Sharq, 2004, 496 b.
3. Aybek. Nevâyi, Roman, Türkiye Türkçesine aktarma ve İnceleme Prof. Dr. Şuayip Karakaş, Ötügen Yaşınvevi. — İstanbul, 2019. — 461 s.
4. Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар — реалиялар ва бадий таржима // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). — Тошкент, 1982. — Б. 156–162.
5. Влахов С., Флорин С., Непереводимое в переводе. — Москва: Международные отношения, 1980. — 343 с.
6. Владимирова Н. Миллийликни таржимада акс эттириш муаммоси. Таржима санъати. — Т., 1973. — Б. 69–77.

7. Мусаев Қ., Таржима назарияси асослари, дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2005. — 352 б.
8. Влахов С., Флорин С., Непереводимое в переводе (реалии)// Мастерство перевода, 1969. Сборник шестой. — Москва, 1970. — С. 432–512.

#### References

1. *Türkçe sözlük tdk 9 basques 1 -2 gıttler* (Turkish Dictionary, TDK, 9th Edition, 1.-2. skins), Ankara, 1998, 1136 p. *Byyuk ruscha-türkçe sezlyuk* (Great Russian-Turkish Dictionary), Moscow, Multilingual, İstanbul, 1995, 1022 p.; *Byyuk türkçe-ruscha sezlyuk* (Great Turkish - Russian Dictionary), Moscow, 1977, Multilingual, İstanbul, 1994, 966 p.
2. Oybek, *Navoiy, roman* (Navoi, novel.), Tashkent: Sharq, 2004, 496 p.
3. Aybek, *Nevâyi, Roman* (Navoi, Roman), Turkish translation and review Prof. Dr. Şuayip Karakaş, Ötüken Publishing House, İstanbul, 2019, 461 p.
4. Hamroev H., *Tarzhima madaniyati (Maqolalar tuplami)* (Translation Culture (Collection of Articles)), Tashkent, 982, pp. 156-162.
5. Vlahov S., Florin S., *Neperevodimoe v perevode* (Untranslatable in Translation), Moscow, 1980, 344 p.
6. Vladimirova N., *Millilikni tarzhimada akc ettirish muammosi. Tarzhima san"ati* (The Problem of Accentuating Nationalism in Translation. The art of translation), Tashkent, 1973, pp. 69-77.
7. Musaev K., *Tarzhima nazariyasi asoslari* (Fundamentals of Translation Theory), Tashkent, 2005, 352 p.
1. 8. Vlahov S., Florin S. *Masterstvo perevoda, 1969* (Mastery of Translation, 1969), issue 6, Moscow, 1970, pp. 432–512.